

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2018  
февраль

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

---

### К.ШАҲОБОВ

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини ..... 55

## ТИЛШУНОСЛИК

---

### Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида ..... 58

### Н.УМАРОВА

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти ..... 61

### З.АЛИМОВА

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдат ут–таворих” асарида қўлланган форсий сўзлар хусусида ..... 64

### И. ДАРВИШОВ

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари ..... 68

### И.БАБАКУЛОВ

Рус ва ўзбек тилида сўзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси ..... 72

### Р.МАДЖИДОВА

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психоллингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти ..... 76

### Ш.СУЛТОНОВА

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида ..... 81

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

---

### Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш ..... 84

### Э.МИРЗАЖОНОВА

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари. .... 89

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

---

### А.ЮСУПОВА, С.ЎКТАМОВ

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа ..... 94

### А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари ..... 96

### О. ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи ..... 99

### С.ҚУРБОНОВА

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир ..... 102

### У.ҚЎЗИЕВ

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида ..... 104

### М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида ..... 107

### Д.КАРИМОВ

Ёш гимнастикачиларни махсус-физикавий ва техникавий назоратга тайёрлаш ..... 110

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

---

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР ..... 113

## ХОТИРА

---

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ ..... 114

УДК: 410 + 42/48

## ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАҚИДА

Ш.Искандарова, З.Абдуллаев

**Аннотация**

Мақолада турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг тарихан шаклланиш жараёнларидаги умумий ва фарқли жиҳатлар мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.

**Аннотация**

В статье на отдельных примерах освещаются общность и различия в процессе исторического формирования антропонимов в разнотипных языках.

**Annotation**

With the use of some examples there is shown the process of historical improvement in the formation of personal names in languages of different systems in this article.

**Таянч сўз ва иборалар:** антропоним, исм, герман ва туркий қабилалар, тарихий шаклланиш, диний антропонимлар, урф-одат, мотив, арабча номлар, апеллятив.

**Ключевые слова и выражения:** антропоним, имя, германские и тюркские племена, историческое формирование, религиозные антропонимы, обычай и традиции, мотив, арабские имена, апеллятив.

**Key words and expressions:** personal names, name, German and Turkic tribes, historical formation, religious anthroponomy, customs and traditions, motive, Arabic names, appellative.

Ҳар қандай номинатив бирлик борлиқдаги нарса-ҳодисалар, ҳаракат-ҳолатларни номлайди. Бу нарса ва ҳодисалар, ҳаракат ва ҳолатларнинг умумлашган образлари онгимизда акс этади. Ана шу онгда акс этган образ у ёки бу тилнинг акустик сигналлари орқали ифодаланган. Мазкур уч босқич умумий номинация жараёнининг зарурий компонентлари саналади. Номинация жараёнидаги дастлабки икки компонент, яъни денотат ва сигнификат (концепт) барча тилларнинг номинация жараёни учун умумий бўлиб, учинчи босқичда тиллар ўртасида фарқланиш рўй беради.

Иккинчи босқич оламнинг инсон онгида концептуализациясида намоён бўлади. Борлиқдаги нарсаларнинг хусусий белгилари четлаштирилган ҳолда, умумий белгиларини концептуаллаштиришга хизмат қилиш барча тиллар учун умумий бўлса ҳам, лекин концептуаллаштириладиган нарсанинг қайси белгилари умумлаштиришга асос бўлиши билан тиллар ўртасида фарқланиш бўлиши мумкин. Аксар нарса ва ҳодисаларнинг номланишида халқнинг олами ўзига хос тарзда тасаввур қилиши, кўриши, образ яратишдаги ўзига хослиги намоён бўлади. Шунинг учун ҳам нарса ва унинг номи ўртасидаги муносабатни, нарсанинг нима учун шундай номланиш сабабини, мотивациясини ёритиш қадимдан олимларни қизиқтириб келган.

Тилшунослиқда яқин йилларга қадар атоқли отларни тил системасига киритиш муаммоси мавжудлиги учун уларни лексема

сифатида луғатларга киритилмас эди. XX асрнинг ўрталаридан лингвистика фани таркибида ономастика йўналиши алоҳида соҳа сифатида шаклланди ҳамда ономастиканинг назарий муаммолари ва амалий воқеланишларига бағишланган бир қатор асарлар яратилди.

Ўтган асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб ономастик тадқиқотларнинг эришган ютуқлари натижасида ономастик лексика умумий лексик системанинг таркибий қисми ҳамда, ўз навбатида, ўзига хос система эканлиги эътироф этилди.

Маълумки, қадимги туркий қабилаларда ном бериш алоҳида ўзига хос анъанага эга бўлган. Чақалоқ туғилиши оила ва қабила учун муҳим аҳамиятга эга воқеа сифатида қаралган. Ислонгача бўлган туркий исмлар ўзбек номшунослари томонидан деярли тадқиқ этилмаган бўлиб, мазкур даврга оид номлар ҳақидаги маълумотларни бошқа туркийзабон олимлар асарларида кузатиш мумкин [1; 2; 5; 8; 9].

Турк қабилаларида болага исм ҳар бир қабила урф-одатларига кўра у туғилганидан бир неча кун ёки бола маълум бир фаолиятни амалга ошира олгандан сўнггина берилган. Турк номшуноси Кемал Зеки Генчосманнинг “Турк исмлари сўзлугу” (Türk İsimleri Sözlüğü) асарида ёзилишича, ёқутлар чақалоққа икки марта исм беришган: биринчи исм бола ўтиришни бошлаганда, иккинчиси эса бола камондан ўқ отишни ўрганганда берилган.

Қозоқ ва қирғизларда эса болага исм у туғилганидан ўн беш кун ўтиб қўйилган. Олтой турклари эса янги туғилган чақалоқни хонадонга биринчи бўлиб кирган инсон ёки биринчи бўлиб

Ш.Искандарова - ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.  
З.Абдуллаев - ФарДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси.

## ТИЛШУНОСЛИК

кўзга ташланган нарса-буюм номи билан аташган [2.94-105]. Бола туғилганига бағишланган маросимда қабиланинг энг тажрибали вакили, яъни оқсоқоли бола ташқи кўриниши, ҳолатига кўра унга исм танлаган. Баъзи турк қабилаларида эса исм чақалоқ отаси томонидан танланган. Баъзан эса бола бирор қаҳрамонликни амалга оширмагунча исмсиз қолган ва бу давр давомида у ўз қабиласи номи билан чақирилган, ўз исмига эга бўлиш эса жасурлик ва жасорат белгиси ҳисобланган.

Қадимги туркийларда номнинг сирли таъсир кучига эга эканлигига ишонишган. Шу сабабли ҳам туркий асосга эга исмларда ота-онанинг турли истак-хоҳишлари, орзу-ҳаваслари ўз аксини топган ва бу анъана бугунги кунгача халқ орасида сақланиб қолган. Агар туғилган фарзанд бевақт вафот этса, кейинги туғилажак болага *Турсун*, *Турди* номлари берилган. Кетма-кет қиз фарзанд туғилса, қизларга *Улбўлсин*, *Ўғиллой* исмлари қўйилган. Ёки фарзандни ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш, чалғитиш мақсадида у чиройли бўлмаган номлар билан аталган, рамзий тарзда фарзанд олди-сотди қилинган ва унга *Сотиболди*, *Сотим*, *Сотти*, *Сотқиной* каби номлар берилган. Шунингдек, туркий халқларда фарзанд бахту иқболи, муваффақияти, омади, узоқ умр кўришини, ташқи кўринишини ифодаловчи исмлар ҳам кўп учрайди. Аёллар исмлари эркаклар исмларидан маъно ва шакл хусусиятларига кўра фарқ қилган. Аёллар исмлари асосан ҳис-туйғу, нафосатни ифодаловчи сўзлардан иборат бўлган.

Баъзи исмлар эса чақалоқ туғилганда даставвал кўзга кўринган ҳайвон, ўсимлик, нарса-буюм ёки ўша уйга кирган шахс ёинки боланинг туғилган вақти, жойи, шунингдек, оилада нечанчи фарзанд бўлиб туғилганлиги каби мотивлар асосида танланган. Болани ўз аждодлари, қариндошлари, хурматга сазовор шахс исмлари билан аташ ҳам туркий қабилалар орасида мавжуд бўлган.

Турк тилшунослари Мурад Ураз ва Сакир Улқутасирлар фикрига кўра, қадимги туркий номлар кўшма сўзлардан иборат бўлиб, улар *алл* (мард, жасур), *-бой/бай*, *эр* каби компонентлар ёрдамида ясалган [8.9].

Туркий халқлар исломлаштирилиши билан даставвал юқори қатлам орасида араб тилига хос исломий исмлар оммалашиб борди. Оддий халқ орасида эса туркий исмларни қўйиш сақланиб қолган. Даставвал унвон сифатида берилган арабча номлар исмга айланиб борди ва четдан кирган номлар оммалашуви натижасида туркий исмларга нисбатан арабча исмлар аҳоли қуйи қатлами орасида ҳам оммалашди. Шунингдек, ислом дини орқали туркий халқлар орасида исм бериш маросими

боланинг қулоғига азон айтиш удуми билан амалга ошириладиган бўлди.

Туркий қабилалар форсий халқлар билан ёнма-ён яшаганлиги, улар билан қариндошлик алоқаларини ўрнатганликлари, маданият, урф-одат, динлари бир бўлганлиги ва, асосийси, ҳар икки халқ аралашиб кетганлиги сабабли, икки дарё орасида яшовчи туркий халқлар исмлари орасида форсий тилга хос исмлар оммалашувини таъминлади ва бу ҳолат бугунги кунгача давом этмоқда. Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, юртимизда қўлланилаётган номларнинг жуда катта қисмини араб, форс-тожик тилларига хос ёки мазкур тиллар қоришуви асосида ясалган исмлар ташкил қилади.

Герман қабилалари орасида кундалик ҳаётда асосан фақат битта исмдан фойдаланилган. Немис номшунос олими Вилфрид Зайбике бу ҳолатни ўша даврларда фамилия тушунчаси мавжуд эмаслиги ва исм тушунчаси фаол истеъмолда эмаслиги билан ифодалайди. Шу сабабли ҳам у герман қабилалари номларини “чақирув номлари” (нем. Rufnamen) деб аташни мақсадга мувофиқ деб билади [7.121-122].

Қадимги герман қабилаларида ном бериш алоҳида аҳамиятга ва сеҳрли кучга эга деб ҳисобланиб, бу маросим туғилган чақалоқни оилага қабул қилинишини англатар эди. Мазкур маросимда чақалоқ устидан сув қуйиш ва совғалар тарқатиш орқали амалга оширилар эди. Чақалоқ устидан сув қуйиш уни поклашга хизмат қилади ва уни ёвуз кучлардан асрайди, деб ишонишган. Янги туғилган чақалоқни оилага қабул қилиш унинг отаси томонидан, агар у вафот этган бўлса, яқин қариндошларидан бири томонидан амалга оширилган. Болага исм у туғилганидан ўн кун ўтиб берилган. Исмсиз бола туғилмаган болага тенглаштирилган ва ном бериш орқалигина у қабилга аъзоси деб тан олинган.

Ҳар бир ном орқали маълум илоҳий истак-хоҳиш ифодаланар, шу сабабли берилган номни ўзгартириш мумкин эмас, уни ўзгартириш эса ном эгасининг ўзгаришини ва унга берилган илоҳий истак-хоҳишнинг йўқолишини англатар эди. Илоҳий истак-хоҳиш берилган ном қисмлари орқали ифодаланган, шу сабабли ҳам герман қабилалари номлари ташқи илоҳий кучларга ишонишга асосланганини кузатиш мумкин [3; 4; 6; 7].

Герман қабилалари номлари тарихий шаклланиш жиҳатидан таҳлил қилинса, уларнинг номнинг илоҳий кучига ишониш асносида ясалган метафоралар асосида юзага келганлигини кўриш мумкин. Масалан, *Athaulf* (*Wolf*), *Adalbero* (*Bär*), *Bertram* (*Rabe*) [7.250].

Герман қабилалари орасида янги туғилган боланинг вафот этган ота-боболари номи билан

аташ урф бўлган ва бу орқали улар фарзанди ўтган авлодларига хос хислатларга эга бўлишига умид қилишган. Шу сабабли германлар ўтган ота-боболар туғилажак набираларда қайта туғилишларига ишонишган. Бундан ташқари фарзандларга *Gunther, Hildebrand, Karl, Ludwig, Christoporus* каби машҳур қаҳрамонлар, олий мартабали диний, сиёсий шахслар номлари ҳам берилган. Янги туғилган чақалоқни *Stein*(тош), *Pfannenstielchen*(тово тутқичи), *Wutz* (чўчка боласи), *Wuertchen*(қуртча), *Igel*(типратикон), *Turpilio* (хунук) [4.856] каби хунук номлар билан аташ орқали уни ёвуз руҳлар таъсиридан сақлаш мақсад қилинган.

Герман қабилаларининг дастлабки шахс номлари асосан биргаликда бир маъно ифодаловчи от ва сифат туркумига хос сўзлар қўшилмасидан ясалган қўшма сўзлардан иборат бўлган. Шунингдек, бир ўзақли ёки *Бруно, Бенно* каби қисқартирилган шаклларни ҳам учратиш мумкин [8.122-126]. Икки қисмдан иборат бўлган эркаклар ва аёллар исмлари ўртасида деярли фарқ сезилмайди. Лекин *-brand, -frid, -muod, -ger* каби компонентлар фақат эркаклар номларида, *-burg, -hild, -una, -heit* эса фақат аёллар исмларида учрайди [3.105].

Немис тилшунослари Бах ва Флайшер фикрига кўра герман қабилаларида номлар асосан жанг, жанг қуроллари, ҳукмронлик, куч-қувват, жасурлик, шон-шухрат, ҳайвон ва ўсимликлар, дунёнинг томонлари, табиат, кун қисмлари, қабила ва ранг номларидан иборат бўлган. Масалан, *Beraht-walt* (*Berthold*) *'glänzender Herrscher'* – буюк ҳукмдор, *Theodatic* (*Dietrich*) *'im Volk mächtig'* – халқ орасида қудратли, *Kuon-r ā t 'kühn in der Beratung'* – мард маслаҳатчи [3.685].

Замонавий немис тилидаги ўзлашма номлар асрлар давомида ўзгаришларга учраган, қисқартирилган. Кўплаб герман номлари қадимги грек ва рим тарихшунослари битиклари орқали

бугунги кунгача етиб келган. Вақт ўтиши билан герман қабилалари ўртасида аллитерация орқали ясалган номлар урф бўла бошлайди: *Hildebrand - Hadubrand – Heribrand* [5.126]. Шу тарзда ўзаро оҳангдош сўзларни қўшиш орқали ясалган номлар кўпайиб борди ва бу орқали номлар ўзининг асл маъноларини йўқотди, бир ёки ҳар иккала қисми ота-она номидан ясалган янги шакллар пайдо бўлди.

Ном бериш удуми ўзбек ва немис халқларида узоқ тарихига эга бўлиб, ҳар иккала халқ тарихий шаклланиши жараёнида янги чақалоқнинг туғилиши катта байрам қилинган ва бу орқали бола оилага қабул қилинган. Болани ўз ота-боболари ва юксак ҳурматга ҳамда шухратга эга шахслар номлари билан аташ ҳар иккала халқ орасида мавжуд бўлган. Герман қабилаларининг икки компонентли эркак ва аёллар номлари уларнинг таркибида келган сўзлар ёрдамида фарқланган. Бу хусусият туркий номларга ҳам хос, деб айтиш мумкин. Ўзбек тилида жинсни фарқлаш борасида С.Кенжаева қуйидагича ёзади: эркаклар ва аёлларга бериладиган исмларда бир хил мотивли (Турсун, Ўлмас) номлар мавжуд. Аммо ушбу мотивни ифода этаётган исмининг апеллатив асосида маълум фарқланишлар мавжуд. Мана шу фарқ баъзи эркаклар исмининг аёлларга берилмаслигида, аксинча аёлларга бериладиган баъзи исмларнинг эркакларга қўйилмаслигида кўринади". Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аёллар ва эркаклар исми улар ясалган апеллативларига кўра фарқланади.

Даврлар ўтиши билан герман номлари шакли ўзгариб, апеллатив маънолари йўқолиб борган бўлса (*Rudolf, Albert, Karin*), туркий номлар эса ўз апеллатив маъносини сақлаб қолганини кузатиш мумкин (*Улбўлсин, Турсун, Ғайрат*).

#### Адабиётлар:

1. Aksan D. Her yönüyle Dil, Cilt: 3. – Ankara, 1983.
2. Atalay B. Türk Büyükleri veya Türk Adlari. – Istanbul, 1935.
3. Bach A. Deutsche Namenkunde. Die deutschen Personennamen. Universitätsverlag. – Heidelberg, 1953.
4. Bächtold-Stäubli H. Handwörterbuch des deutschen Aberglaubens.- Augsburg.: Walter de Gruyter Verlag, 2000.
5. Fleischer W. Die deutschen Personennamen. Geschichte, Bildung und Bedeutung. Akademie Verlag. - Berlin., 1964.
6. Gençosman K.Z. Türk Isimleri Sözlüğü. – Istanbul, 1975.
7. Nübling D. Namen. Eine Einführung in die Onomastik.2.Aufl. Narr Francke Attempto Verlag. – Tübingen, 2015.
8. Seibicke W. Die Personennamen im Deutschen, Walterde Gruyter Verlag. – Berlin., 2008.
9. Ülkü-Taşir Ş. "Türklerde ad vermek adetleri" Halk bilgisi Haberleri. – Sayı, 1938.
10. Uraz M. Türk Adlari. – Istanbul, 1935.
11. Кенжаева С. Ўзбек антропонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. – Т., 2008.